

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 164 (11.975)

Баҳоси эркин нарҳда



БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Энг улуг ва энг азиз байрам-Истиқлолимизнинг 20 йиллигини кўтаринки байрамона кайфиятда, муносиб ютуқлар билан кутиб олиш ҳар бир юрtdошимизнинг эзгу мақсадиридир.

ЮНУСОБОД ТУМАНИ:

ЮКСАЛИШ ВА ЯНГИЛАНИШ ЖАБҲАЛАРИДА

Айни кунларда шаҳримиз туманларида ушбу байрамга тайёргарлик ишлари қизгин олиб борилмоқда. Юнусобод тумани аҳолиси ҳам мустақиллигимизнинг 20 йиллигини ўзига хос ютуқлар

киришган. Йил сайин обод ва кўркем қиёфа касб этиб бораётган тумanning ҳар бир гўшасида буюк бунёдкорликни, яратувчанлик ва янгиликка интилишни кўриш мумкин.

Хусусан туманда жойлашган Тошкент телеминораси, Тошкент ҳайвонот боғи, «Туркстон» саройи, аквапарк ва Япон боғи, кутубхоналар ва музейлар туман аҳли ва ёшларнинг маданий дам олишларини таъминлаб берса, теннис кортлари, бадий гимнастика зал-



билан кутиб олишга, ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларига жадал олишларини таъминлаб берса, теннис кортлари, бадий гимнастика зал-

лари, сузиш ҳавзалари ва мини футбол майдонлари уларнинг спорт билан шуғулланишлари ва ўз саломатликларини мустақамлаб боришларида муҳим аҳамият касб этади. Мустақиллик шарофати билан замонавий кўркем қиёфа кашф этган Тошкент Давлат юридик, Тошкент Молия, Тошкент Педиатрия тиббий институтлари, бир қатор касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ҳам ёшларнинг ҳар томонлама етуқ, баркамол ва билимли инсон бўлиб етиштирилишига хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

(Юнусобод туманига бағишланган материал билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

Журналистика соҳасидаги «Энг улуг, энг азиз» республика танлови ғолиблари аниқланди.

Мустақил Ватанимизни ҳар томонлама ривожлантириш, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, маънавиятни юксалтириш ва миллий ғояни шакллантириш жараёнида қалам аҳли фаол иштирок этмоқда. Амалга оширилаётган илоҳотларнинг моҳияти, юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига қаратилган ғоя ва мақсадларнинг одамларнинг қалбига етиб бориши йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда. Бу йўналишдаги ишларга салмоқли ҳисса қўшаётган оммавий ахборот воситалари ходимларини рағбатлантириш мақсадида журналистика соҳасида қатор кўрик-танловлар, турли мукофотлар жорий этилган. Мустақиллик байрами арафасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Энг улуг, энг азиз» республика танлови ана шундай нуфузли тадбирлардан бирidir.

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2011 йил 6 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори га мувофиқ бу йилги танлов янада юқори савияда, Истиқлолимизнинг 20 йиллиги ру-

ҳига мос тарзда ташкил этилди. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ушбу танловнинг жорий йилги ғолибларига совринларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда турли Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Олий Махлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Ж.Ураббоев, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Б.Алимов ва бошқалар

УЛКАН РАҒБАТ ВА КАТТА МАСЪУЛИЯТ

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида миллий матбуотимизни ривожлантириш, оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, малакали журналист кадрлар тайёрлашга қаратилган барча ишлар жамиятимизда ошқоралиқни таъминлаш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилаётганини таъкидлади. Бу жараёнда журналистлар меҳнатини рағбатлантириш уларнинг ўз касбига бўлган масъулиятини янада ошироқда.

«Энг улуг, энг азиз» танлови матбуот, телевидение, радио ҳамда интернет-журналистика, фото ва дизайн йўналишида ўтказил-

Тошкентдаги «Истиқлол» саройида «Ниҳол» мукофотини топширишга бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

ИЖОДИЙ КАМОЛОТГА УНДАЙДИ

Инсон қалби ва тафаккурига эзгу ғояларни жо этиш, маънавиятини юксалтириш, эстетик дидини шакллантиришда мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида миллий мусиқа санъатини раванқ топтириш, ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар шу олжаноб мақсадга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган «Ниҳол» мукофоти ёш истеъдодларни аниқлаш, ижодини ривожлантириши учун кенг имкониятлар яратиш, янги ижодий марралар сари илҳомлантиришга хизмат қилмоқда. Ҳар йили энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида анъанавий тарзда ўтказиладиган «Ниҳол» мукофоти соҳибларини тақдирлаш маросимида ҳам шу жиҳатлар ўзифода сини топтоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан ўтказилган тантаналар ҳам санъат, камолот, ёшлик ва маънавият байрамига айланиб кетди. Унга турли вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, мусиқа илҳосмандлари, талаба-ёшлар тақлиф этилди.

Тантанали тадбирда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида юртимизда олиб борилаётган янгиликлар жараёнида ёшларни юксак маънавиятга, теран ва соғлом тафаккур соҳиблари этиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Юртимизда таълим, маънавий-маърифий соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қўламли эзгу савий-ҳаракатлар айни мақсадларга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорига асосан юртимизда ёш авлоднинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларнинг миллий ва жаҳон санъатининг юксак намуналаридан баҳраманд этиш учун барча зарур шароит ва имкониятларни яратиб олиш эзгу ишлар қўламини янада кенгайтириш, бошланғич таълимни тубдан такомиллаштириш мақсадида мусиқа ва санъат мактаблари қайтадан реконструкция қилиниб, моддий-техник базаси яхшиланди. Уқув-услубий, техник ва мусиқа жиҳозлари билан таъминлаш, педагогларнинг касб билими ва маҳоратини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу эзгу савий-ҳаракатлар, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик самарасини юртимиз ёшлар-

нинг халқаро миқёсдаги турли кўрик-танловлар, ижодий фестивалларда эришаётган муваффақиятларида кўриш мумкин. «Ниҳол» мукофоти учун танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича дастлабки босқичлари юксак савияда, байрамона руҳда, кўтаринкилик билан ташкил этилмоқда. Унда иштирок этиш истагидаги ёшлар сафининг йил сайин кенгайиб бораётгани йигит-қизларнинг санъатга бўлган меҳр ва қизиқишининг тобора кучаяётгани, «Ниҳол» мукофотининг нуфузи ва мавқеи ортаётганидан далolatдир. Ёшларни излашишга, янада самарали ижод қилишга ундаётган ушбу мукофот учун ўтказилган жорий йилги танловда қарийб 10 минг 700 нафар ёш ижрочи иштирок этгани ҳам бунга таъкидлади.

Танлов эстрада санъати, мусиқа ижрочилиги, анъанавий ижрочилик, академик ижро каби йўналишларда ўтказилди. Айни пайтда чекка ҳудудлардаги ёш истеъдодларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилиб, жойларда мукофот учун саралаш кўрик-танловлари кенг жамоатчилик муҳокамасида, қатъий талаб ва юксак бадий мезонлар асосида ўтди.

2011 йилда «Ниҳол» мукофоти га анъанавий ижрочилик йўналишида Раҳшона Кўзиёва (Андижон вилояти), Шаҳзода Ҳасанова (Наманган вилояти), «Наво-соз» ансамбли (Тошкент шаҳри), Дилноза Акбарова (Тошкент вилояти), мусиқа ижрочилиги йўналишида Тамара Акбарова (Жиззах вилояти), Шерзод Шодиев (Навоий вилояти), Лочинбек Мўминов (Хоразм вилояти), эстрада санъати йўналишида Юлдаз Низомова (Самарқанд вилояти), Шаҳноза Отабоева (Тошкент шаҳри), Машхурбек Раимжонов (Тошкент шаҳри), академик ижро йўналишида Отабек Махмудов (Фарғона вилояти) сазовор бўлдилар. Уларга мазкур мукофот тантанали тарзда топширилди.

Юртимизда ёшларнинг пухта билим олиши, санъатнинг сеҳри ва мафтункор оламидан баҳраманд бўлиши, ўз қобилияти ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариши учун барча зарур шароит ва имкониятлар яратилган, – дейди «Ниҳол» мукофоти совриндори Лочинбек Мўминов. – Бундай эътибор ва ғамхўрлик бизни кўпроқ излашишга, тинимсиз меҳнат ва ижод қилишга, ўз фаолиятимизга янги, янада юксак талаблар асосида ёндашишга даъват этади.

Тантананда санъат усталари ва ижрочи ёшлар, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Таъдбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ариқов сўзга чиқди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Энг улуг, энг азиз байрамимизга бағишлаб Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маданият ва спорт ишлари вазирилик, Фанлар академияси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Ўзбектеатр» ижодий бирлашмаси ҳамкорлигида «Истиқлол фарзандлари» мавзусидаги ёшлар фестивали ташкил этилди. Тошкентда икки кун давом этган ушбу анжуманга мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 700 дан зиёд илм-фан, таълим, маданият, спорт соҳаларида катта ютуқларни қўлга киритаётган, фаол ва изланувчан ёшлар тақлиф этилди.

• Бухоро вилояти Вобкент туманидаги Арабон қишлоғида замонавий лойиҳалар асосида бунёд этилган 10 та уй-жой калитлари ўз эгаларига топширилди. Уларни «Вобкент панобқурилиш» масъулияти чекланган жамияти ишчи-хизматчилари барпо этди.

• Ўзбекистон алоқа ходимлари касабаси Марказий кенгаши тизимидаги бошланғич ташкилотлар ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўриктанловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

• Фижувон туманилик тадбиркор Мўътабар Жабборова банкнинг 50 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланган ҳолда қаровсиз ётган ерда 4,5 гектарлик сунъий қўл барпо этди. 10 иш ўрни яратилган мазкур «Балиқ- Уммон саховати» балиқчилик хўжалигида жорий мавсумда 10 тонна балиқ етиштириш режалаштирилган.

• Истиқлол байрами арафасида Нурота туманидаги Папанай қишлоғида барча қулайликларга эга замонавий қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. Мазкур пункт 2000 дан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатади. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган муассасада 10 га яқин олий ва ўрта тиббий ходими меҳнат қилмоқда.

• Сайхунободлик тадбиркор Озод Рузинбоев бир йўла икки – паррандачилик ва чорвачилик мажмуаларини қуриб, ишга туширди. Ушбу лойиҳани амалга оширишда банкнинг 250 миллион сўмлик кредити қўл келди. Айни пайтда бу ерда 2 мингта товуқ ҳамда 15 та наслдор сиғир парваришланмоқда.

ЖАҲОНДА

• Араб давлатлари лигаси Исроилнинг Ғазо секторини бомбардимон қилиб, Миср чегарачиларини ҳалок этганлигини кескин қоралади.

• Шимолий Корея давлати раҳбари Ким Чен Ир икки кунлик ташриф билан Россияга келди. Россия Президенти Д.Медведев билан учрашув чоғида КХДРнинг ядро муаммолари бўйича олти томонлама музокараларда иштирок этиши ҳамда ҳар иккала мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларининг кўриб чиқиши кўзда тутилмоқда.

• Рим папаси Бенедикт XVI католик мазҳабига мансуб ёшларнинг фестивалида иштирок этиш учун Мадридга ташрифи буюрди.

• Кеча Москва областининг Жуковский шаҳрида бир ҳафта давом этган «Макс-2011» халқаро авиакосмик саломи ниҳоясига етди. Дастлабки маълумотларга кўра, тадбир давомида жами 10 миллиард доллардан ортиқ ҳажмдаги шартномалар имзоланган.

• Кеча Санкт-Петербургда муниципал сайловлар бўлиб ўтди. Дастлабки маълумотларга кўра, унда сайловчилар фаол иштирок этган. Агарда шаҳарнинг амалдаги губернатори Валентина Матвиенко сайловларда ғалаба қозонса, унда ўз вазифасини тарк этиб парламент юқори палатасининг спикери бўлиш имконияти мавжуд.

• Норвегияда 77 кишининг умрига зомин бўлган мудҳиш қотиллик қурбонларини хотирлаган ҳолда, умуммиллий мотам куни эълон қилинди.

• Колумбияда ўтказилган 20 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги футбол бўйича жаҳон чемпионатининг финал баҳсида Португалия терма жамоасини 3:2 ҳисобида энгган бразилияликлар ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасини банд этишди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА мухбири



ЮНУСОБОД ТУМАНИ: ЮКСАЛИШ ВА ЯНГИЛАНИШ ЖАБҲАЛАРИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Иқтисодий, ижтимоий соҳаларда ўсиш суръатлари ҳам ўтган йилдаги нисбатан анча юқорилик бормоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида қийсанган нархда саноат корхоналарида жами 162925 миллион сўмлик товар маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва ўсиш суръати 118,7 фоизни, истеъмол моллари ҳажми 78842,7 миллион сўмни, ўсиш суръати эса, 112,9 фоизни ташкил қилди. Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, модернизация қилиш, янги технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Жумладан, «Алким текстиль» кўшма корхонаси қошида тикув цехи очилди ва ҳозирги кунда тикувчилар ишга қабул қилинмоқда. «Раулхон» масъулияти чекланган жамиятида февраль ойидан бошлаб қвас ишлаб чиқарила бошланди. «Новофарма плюс» корхонасида эса бешта янги дори-дармонлар ишлаб чиқариш

йўлга қўйилди. «Олой нон» масъулияти чекланган жамиятида янги ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мақсадида қурилиш, монтаж ишлари олиб борилмоқда ва Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига уни ишга тушириш мўлжалланган. Туманда коммунал хизматлари томонидан жадвал асосида таъмирлаш, сошлаш ва профилактика ишлари ҳам мақсадга мувофиқ равишда амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида оқова сув тармоқлари бўйича 45 та кудук бетон плита билан ёпилди ва олти тасига чўян қопқоқ ўрнатилди, 19 кудук асфальт тагидан кўтарилди, 106,3 ҳаво электр линиялари 1438 та ёриткичлар билан таъминланди. 1373 та ёриткич лампалари алмаштирилди.

Туманда 2254 та чакана, 561 та улгуржи савдо, 271 та умумий овқатланиш, 461 та маший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсатмоқда. 2010 йилнинг шу даврига нисбатан қийсанган нархда

ўсиш суръати 114,8 миллион сўмни ташкил қилди ва белгиланган вазифа 114,0 фоизга бажарилди. Жорий йилнинг ярим йиллигида 688775,2 миллион сўмлик хизматлар кўрсатилди, ўсиш суръати 116,9 фоизни ташкил қилди.

Туман халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳсинга сазовордир. Тумандаги 5,12,17,259-сонли мактабларда ва 13-муқоша ва санъат мактабида капитал таъмирлаш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Шунингдек, ўттиздан ортиқ мактабгача таълим муассасаларида моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шароитларини яхшилаш мақсадида жорий таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Туман ҳаёти билан танишар эканмиз ҳар бир жабҳада изланиш, интилиш, яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларининг самарасини кўришга мушарраф бўлдик. Мустақиллигимизнинг муборак 20 йиллигини муносиб тўғралар билан кутиб олишда ҳар бир фуқаро шижоат билан меҳнат қилмоқда. Зеро, юнусободликлар қалбидеги жўшқинлик, фидойилик, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш ҳисси уларнинг самимий чехраларида акс этмоқда. Биз шундай улғу кунлар арафасида туман аҳлига бирдамлик, баркамоллик ва танисихатликни тилаб қоламиз.

МУСТАҚИЛЛИК — ТАҚДИРИМДА

Шомансур АБИДХОЖАЕВ, Радиоалоқа, радиозашитириш ва телевидение маркази давлат унитар корхонаси бош директори.

— Дунёда давлатлар кўп. Ҳар бирининг ўзига хос кифёси, кўру таровати, тарихи бор. Аммо тарихи кўп минг йилларга бориб тақаладиган ҳур диёримиз ягона. Жаннатмакон диёримиз ўзининг кўркам жамоли, бетакор манзаралари, замонавий иншоотлари билан бирга бой тарихи, буюқ олим уфшоллари, мутафаккирлари билан жаҳоннинг энг номдор мамлакатлари рўйхатида турибди.

Айни пайтда Мустақиллигимизнинг йигирма йиллик қўлтуғ тўйини нишонлаш арафасида. Қай гўшага борманг, қайси қўшни кезманг, Истиқлол йилларида эришилган улкан ютуқлар, олиб борилаётган кенг миқёсдаги ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини кўриб кўзингиз қувнайди, қалбингиз гурур ва ифтихорга тўлади.

Биргина шахримиз миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, Тошкент ижтимоий-сиёсий ҳаёт, савдо, илм-фан ва маданиятнинг чинакам марказларидан бири

бўлиб келаяпти. Бугун халқаро ҳаётни, дунё ҳамжамиятида кечаятган қизгин жараёнларни шахримиз иштирокисиз тасаввур қилишининг имкони йўқ. Бу эса истиқлол берган улғу неъматдир.

Мен ҳаётим йўлларига назар солар эканман, мустақиллик инъомининг азиз тўғраларини кўраман, қалбим фахр ва ифтихор тўғуларига тўлади. Озодлик, эркинлик, яратилиш ва изланиш имкониятлари, миллий анъаналаримизга эҳтиром, тилимизга бўлган эътибор, буюқ аждодларимиз руҳига бўлган ҳурмат — буларнинг барчаси мустақиллик натижасидир.

Мустақил мамлакатнинг фуқароси сифатида оз бўлсада, соҳа ривожига қўшаётган ҳиссамдан беҳад бахтиёрман.

Мамлакатимиз ҳамisha дўстлик, қардошлик ва ҳамжихатлик ўлкаси бўлиб келган. Юртимиз ҳақидаги меҳру муҳаббат, эҳтиромга йўғрилган сатрларни, самимий изҳорларни яна қанчадан-қанча машҳур шахслар, давлат ва жамоат, фан ва маданият арбоблари, шоир ва ёзувчиларнинг қалб дафтаридан топиш мумкин.

Зеро, Ватанимиз қалб қанча таърифу тавсифга, эътироф ва эҳтиромга муносибдир.

Бугунги кунда туманда 40 та умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб уларда 41,123 минг нафар ўқувчилар таълим олмақдалар, уларга 2139 нафар малакали ўқитувчилар сабоқ бериб келмоқда.

Ёшлар — келажакимиз


БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

да 1647 ўқувчига 246 нафар малакали ўқитувчиларимиз таълим бериб келмоқда. Кўрсаткичларимиз билан ҳар қанча фахрлансак ҳам арзийди. Бошланғич таълим ўқитувчиси Манзура Султонованинг «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси-2011» кўрик-танловининг шаҳар босқичида иккинчи ўринни эгаллаши, 2010 йилда Доно Тожиевнинг танловининг шаҳар босқичида совриндор бўлиши, 2007 йилда кимё фани ўқитувчиси Гулнора Юсупованинг Республикада биринчи ўринни қўлга киритиши, кимё фани ўқитувчиси Гавҳар Каримованинг туман бўйича устоз ўқитувчи деб тан олинishi мактабимиз нуфузининг юқори даражада эканлигидан далолат беради. Истаги-

миз ҳам, ниятимиз ҳам битта — ёшларни келажакда доно, билимдон ва зукко инсонлар қилиб тарбиялаш, улар тафаккурига энг олий қадриятларни сингдиришдан иборатдир.

Ҳа, келажак бугундан бошланади. Келажакнинг ишончли вақиллари эса мана шу қалби эзгуликка тўла, фикри илм олиш билан банд, хаёли юксакларни забт этишга қаратилган истиқболи порлоқ иқболли ёшлардир. Уларнинг маънавий дунёсини поклиги, шуурининг тозаллиги эса мактаб даргоҳларидан бошланади.

Саҳифа материалларини Гулчеҳра ДУРДИЕВА тайёрлади
Аъло Абдуллаев олган суратлар



ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● 1936 йил ташкил топган тумanning умумий майдони 4106 минг квадрат метрни ташкил этиб, 58 та маҳаллага эга. Уларда 302 минг аҳоли истиқомат қилади.

● Туманда 9 та йирик саноат корхонаси, 14 та банк, 8 та шифохона, 7 та меҳмонхона, 5 та маданият уйи, 2 та бозор, 4 олий ўқув юрти фаолият кўрсатмоқда.

● «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси-2011» кўрик-танловининг шаҳар босқичида 250, 17, 258-мактаблар ўқитувчилари биринчи ўринни эгаллаб республика босқичига йўлланма олдилар. 63-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси Лобар Расулова эса Республика босқичида иккинчи ўринни қўлга киритди.

● «Билимлар беллашуви» танловининг шаҳар босқичида туман ўқувчилари шаҳар босқичининг мутлақ голиби бўлишди. 327-мактаб ўқувчиси Баҳодир Абдуллаев география фани бўйича Республикада биринчи ўринни эгаллади.

● Туманда 4681 та микрофирмалар, 586 та кичик корхоналар ва 4598 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, 286 та турли корхоналар ва 388 та ҳорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фаолият олиб бормоқда.

● «Қашқар», «Акбаробод» ва М.Улғубек маҳаллаларидаги болалар майдончаларида болалар ўйингоҳларининг тўлиқ комплекти ўрнатилди.

● «Шарқ ҳақиқати», Беруний, Жомий маҳалла фуқаролар йиғини идоралари тўла таъмирдан чиқарилди.

Иқтисодиёт

СИФАТЛИ ВА ҚУЛАЙ МАҲСУЛОТЛАР

Кейинги йилларда ички бозорларимизда четдан келтириладиган маҳсулотлар камайиб улар ўрнини босувчи маҳаллий товарлар эгаллаб бормоқда. Биргина «Imkon Plast» масъулияти чекланган жамияти мисолида олиб қарайдиган бўлсак, корхонада харидоригир, сифатли ва қулай нархдаги пластик панеллар ишлаб чиқариш самарали йўлга қўйилган.

2009 йилда иш бошлаган мазкур корхонада бугунги кунга келиб харидор талаб ва эҳтиёжини қондирадиган тўрт хил турдаги пластик панеллар тайёрланмоқда. — Маҳсулотларимиз нафақат замонавий дизайнли, сифати ва рақобатбардошлиги билан, балки шу турдаги хорижда ишлаб чиқарилаётган товарлардан тежамкорлиги билан ҳам ажралиб туради, — дейди «Imkon Plast» масъулияти чекланган жамияти молия хизмати бошлиги Рустам Мухаммадҷонов биз билан суҳбатда. — Корхонамиз нуфузини ошириш йўлида мутахассис ходимларимиз бор маҳоратларини ишга солмоқда. Маҳсулотларимизга нафақат шахримизда, балки республика-миз ички бозорларида ҳам талаб ва эҳтиёж катта. Келажакда чет мамлакатларга экспортни йўлга қўйишни режалаштирмоқдамиз.

Мустақиллик бизга қулай шароитларни яратиш баробарида, хориж давлатларидаги корхоналар билан ҳамкорлик қилиш ва улар билан рақобатлашиш имкониятини юзага келтирди. Бу эса ҳар бир ишбилармон, тадбиркор учун ўрганиш, изланиш, янги лойиҳалар устида ишлаш демакдир.

«Imkon Plast» масъулияти чекланган жамияти ҳам мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самараси ўлароқ, ўз фаолиятини ривожлантириб, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан ички бозорда ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Маҳсулот турларини кўпайтиришга қаратилган эътибор боис, бу ерда жорий йил бошидан янги лойиҳалар устида ишланмоқда ва ишланмаларни синовдан ўтказиш жараёнлари қизгин давом этмоқда.

Шинам, ёруғ, жаҳон стандартларига жавоб берадиган ўқув жиҳозлари билан таъминланган мактабларда таълим олаётган ёшларга қараб келажакимиз ворисларининг истиқболли эртасига, ёрқин келажакига ҳавасимиз келади. Улар учун яратилган шарт-шароитлар замирида Ватан тинчлиги, халқ фаровонлиги, буюқ ихтиролар, асосийси эса жаннатмакон юртимизнинг ёруғ эртасини кўраман.

Тумандаги 235-мактабда ҳам ўқувчиларнинг етарлича билим олишлари, ўз иқтидорларини намойиш этишлари учун барча шароитлар яратилган. Тўла таъмирдан чиққан ўқув муассасаси ўзига хос кўркем кўри-нишга эга кимё, физика, биология, лаборатория хоналари, замонавий информатика хонаси, спорт зали, 100 ўринга мўлжалланган ошхона, йигирма мингдан зиёд бадий ва ўқув дарсликларини қамраб олган кутубхона ўқувчилар билимини ошириш, онг ва тафаккурини янада бойитишга хизмат қилмоқда.

— Мактабимизнинг ташкил топганига жорий йилда 37 йил тўлади, — дейди ўқув муассасаси директори Мўмина Сулаймонова. — Бугунги кун-

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ ГОЛИБЛАРИ

Босма ОАВ бўйича

1-ўрин:

Рамил Исламов, «Правда Востока» газетасининг бўлимуздир — Ўзбекистон Республикасининг ўтган йилги мобайнида ижтимоий-сиёсий ҳаётда юз берган улкан ўзгаришларни, кенг қамровли бунёдкорлик ишларини атрофлича ёритган публицистик мақолалари учун

2-ўрин:

Ботир Темиров, «Қашқадарё» газетаси иқтисодиёт бўлими муҳаррири — Истиқлол йилларида ижтимоий-иқтисодий йўналишда эришилган ютуқларни кенг ёритган таҳлилий материаллари учун

3-ўрин:

Гулистон Аннақличева, «Қорақалпоғистон тонги» газетаси бош муҳаррири — «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» госянини ўзида мужассам этган Ватан туйғуси, мустақиллик ва у берган имкониятлар ҳақидаги туркум мақолалари учун

Рағбатлантирувчи

мукофот соҳиблари

1. **Муҳаббат Содиқова** — Самарқанд вилояти Нарпай тумани ҳокимлиги нашри — «Пахтакор овози» газетасининг бўлимуздир

2. **Светлана Шеглова** — «Класс!» газетаси катта муҳбири

Телевидение бўйича

1-ўрин:

Саида Давлетова, ЎзМТРК «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» бш муҳарририятининг сиёсий шарҳловчиси — Давлатимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб тайёрланган ижтимоий-сиёсий мавзудаги таҳлилий лавҳалари учун

2-ўрин:

Дилшод Аҳмадалиев, «Мулоқот» телевидениеси муҳаррири (Фарғона вилояти) — Ўзбек халқининг мустақиллик йилларида тикланган бой маданий мероси, урф-одатлари ва қадриятларини кенг тарғиб этишга қаратилган телекўрсатувлари учун

3-ўрин:

Узулхон Нугманова, Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясининг катта муҳаррири — Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркор аёллар учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисидаги кўрсатувлари учун

Рағбатлантирувчи

мукофот соҳиблари

1. **Одина Каримова** — «Ёшлар» телерадиоканали ЁАЖ Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси дастурлари бош муҳарририятининг катта муҳаррири

2. **Раҳима Қаймоқова** — ЎзМТРК Навоий вилояти телерадиокомпанияси бош мутахассиси

Радио бўйича

1-ўрин:

Мавжуда Йўлдошева, «Ёшлар» телерадиоканали ЁАЖ «Давр» ахборот дастурлари муҳарририятининг сиёсий шарҳловчиси — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишланган «Буюк марра» туркумидаги ахборот-таҳлилий публицистик радиозашитиришлари учун

2-ўрин:

Султон Умаров, ЎзМТРК «Ўзбекистон» телерадиоканалининг «Янги жамият» студияси муҳаррири — Юртимизда ҳукм сураётган миллиятлараро тотувлик ва багрикенгликни ёритган радиозашитиришлари учун

3-ўрин:

Ўзбекистон электрон ОАВ миллий ассоциациясига қарашли «Рухсор» радиоканали жамоаси (Бош муҳаррири — Дилшодбек Йўлдошев) — Халқимизнинг бой маънавий ва маданий мероси, анъана ва қадриятларини тиклаш ҳамда тарғиб этишга бағишланган фаолияти учун

Рағбатлантирувчи

мукофот соҳиблари:

1. **Илҳом Холматов** — ЎзМТРК Жиззах вилояти телерадиокомпанияси «Жиззах» радиоканали муҳаррири

2. **Ҳабибулла Юнусов** — ЎзМТРК «Спорт» телерадиоканали «Машъал» радиоси катта муҳаррири

Интернет-журналистика, фото ва дизайн ишлари бўйича

1-ўрин:

Умиджон Ёқубов, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг Республика ахбороти таҳририятининг бош муҳаррири ўринбосари — Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларни интернет тармоғида кенг ва изчил ёритган материаллари учун

2-ўрин:

Маматқарин Абдумуново, «Маърифат чашмаси» газетаси фотомуҳбири (Сирдарё вилояти) — Истиқлол йилларида турли соҳаларда эришилган ютуқларни ифодаловчи фоторепортажлари учун

3-ўрин:

Мухаммадмин Сатторов, Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасининг Наманган вилояти бўлими дизайнери — Мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда эришилган ютуқларни тасвирлаган ва Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишланган ижодий ишлари учун

Рағбатлантирувчи

мукофот соҳиблари

1. **Азаматжон Тошматов** — «Андижоннома» ва «Андижанская правда» газеталари фотомуҳбири

2. **Жаҳонгир Шарофбоев** — «Ишонч» газетаси масъул котиби



Президентимизнинг 2011 йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузасида бошқа соҳалар билан бирга банк тизими олдида ҳам бир қатор вазифалар белгилаб берилди. Шундан келиб чиққан ҳолда юртимизнинг энг йирик ва универсал банкларидан бири «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банк ҳам ўз фаолиятида асосий эътиборини инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратмоқда.

Хусусан, Агробанкнинг Тошкент вилояти бошқармаси мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш, ички истеъмол бозорини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш ва нарх-навои пасайтириш, миқозларга сифатли банк хизматларини кўрсатиш борасида аниқ белгиланган дастур асосида фаолият олиб бормоқда.

Бугунги кунда вилоятда банкнинг 13 та шаҳар ва туман филиаллари, 20 та маҳсус ва 1 та кўча кассалари, 38 та минибанклари фаолият юритиб, улар томонидан 14346 дан ортиқ юридик ва жисмоний шахсларга (шундан 9134 таси фермер ва деҳқон хўжаликлари) халқаро андозаларга мос, кенг қамровли банк хизматлари кўрсатилаётган.

Жорий йилда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига мувофиқ «Агробанк» ОАТБ Тошкент вилояти бошқармаси филиаллари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, хизматлар ва сервис соҳасини кенгайтириш, касаначиликни ташкил этиш орқали тадбиркор аёллар ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, ёш оилалар ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга жами 29,7 млрд.сўмлик кредитлар ҳамда 5,4 млрд.сўмлик микрокредитлар ажратилиши режалаштирилган.

Шундан келиб чиқиб «Агробанк» ОАТБ Тошкент вилоят бошқармаси филиаллари томонидан ўтган ярим йиллик давомида кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 882 та тадбиркорлик субъектларига 13,9 млрд. сўм миқдоридан кредитлар ажратилди. Ушбу кредитлардан фойдаланилгани ҳолда 1636 та янги иш ўринлари яратилди.

Агробанкнинг Тошкент вилояти филиаллари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг «Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида 5,9 млрд. сўмлик, «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш кенгайтирилиши рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида 2,3 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Вилоятда чорва маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида чорва моллари сонини ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини оширишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун 3,0 млрд.сўм миқдоридан микрокредитлар ажратилди. Шунингдек,

худудларда иссиқхоналар ташкил қилиш, паррандачилик, асаларчилик ҳамда балчилик соҳаларини кенгайтириш ва ривожлантиришга 2,1 млрд.сўм миқдоридан кредитлар берилди.

Бугунги кунда бошқарма томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 1,4 млрд. сўм миқдоридан, ёш оилаларга 236,4 млн.сўм миқдоридан микрокредитлар ажратилди. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки банк томонидан вилоятда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 1,3 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди. Бундан ташқари вилоят аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш ва нарх-навои пасайтиришга қаратилган умумий миқдори 2,7 млрд. сўмлик 16 та лойиҳалар молиялаштирилиб берилди.

«Агробанк» ОАТБ Тошкент вилояти бошқармаси филиаллари «Банклар — тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи» шиори остида халқимиз фаровонлиги йўлидаги ислохотларни муваффақиятли давом эттиришга бундан кейин ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб бораверади.

Қуйида банк томонидан ажратилган кредитларнинг қандай самара бераётганига ҳақида айрим миқозларнинг сўзларини келтириб ўтамиз. — Чиноз туманидаги «Омаров Тулеген» фермер хўжалигимизга банк томонидан ажратилган 30 миллион сўмлик кредит ишимизни янада ривожлантиришимизда муҳим омил

кредитлар ажратилди. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки банк томонидан вилоятда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 1,3 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди. Бундан ташқари вилоят аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш ва нарх-навои пасайтиришга қаратилган умумий миқдори 2,7 млрд. сўмлик 16 та лойиҳалар молиялаштирилиб берилди.

«Агробанк» ОАТБ Тошкент вилояти бошқармаси филиаллари «Банклар — тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи» шиори остида халқимиз фаровонлиги йўлидаги ислохотларни муваффақиятли давом эттиришга бундан кейин ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб бораверади.

Қуйида банк томонидан ажратилган кредитларнинг қандай самара бераётганига ҳақида айрим миқозларнинг сўзларини келтириб ўтамиз. — Чиноз туманидаги «Омаров Тулеген» фермер хўжалигимизга банк томонидан ажратилган 30 миллион сўмлик кредит ишимизни янада ривожлантиришимизда муҳим омил



сўлотларини ишлаб чиқариш, хизматлар ва сервис соҳасини кенгайтириш, касаначиликни ташкил этиш орқали тадбиркор аёллар ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, ёш оилалар ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга жами 29,7 млрд.сўмлик кредитлар ҳамда 5,4 млрд.сўмлик микрокредитлар ажратилиши режалаштирилган.

Шундан келиб чиқиб «Агробанк» ОАТБ Тошкент вилоят бошқармаси филиаллари томонидан ўтган ярим йиллик давомида кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 882 та тадбиркорлик субъектларига 13,9 млрд. сўм миқдоридан кредитлар ажратилди. Ушбу кредитлардан фойдаланилгани ҳолда 1636 та янги иш ўринлари яратилди.

Сурхондарё вилоятида яшовчи фуқаролар Рустам, Сардор, Алишер ва Ганишерларнинг (исмлар ўзгартирилган) қўлларидан яхшигина хунари бўлиб, улар дурдогорлик касби билан шуғулланиш ҳамда буюртма бўйича эшик ва ромлар ясашарди.

Кунларнинг бирида Рустамнинг таниши Абдор унга Тошкентда дурдогорларга яхши ишлар қўлигини айтиб қолди. Улар 2009 йилнинг ёз ойларида дурдогорлик ишлари билан Тошкентга келиши ва иш излаб қўйиш бозорига боришди.

Бу ерда улар Жамшид исми йигитга дуч келишди. Жамшид уларга қўшни Қозғистон Республикасида иш борлигини, ойлик иш ҳақи 1000-1200 АҚШ долларида бўлишини, агар хохлашса уларни ҳам шундай ишлардан бирига жойлаштириб қўйишини айтади.

Кўп пул дарагини эшитган йигитлар бунга қизиқиб қолишди ва Жамшид билан биргаликда айланма йўллар орқали қўшни Қозғистон Республикасига ўтиб кетишди.

Қозғистоннинг Жамбул вилоятига боришгандан кейин Жамшид уларни Марат исми кozoқ йигитга топширади.

Марат йигитларнинг паспортларини олиб қўйиб, бугунча дам олишликларини, эртадан ишга тушишларини айтиб тор хонага қамаб кетди.

Эртаси кундан бошлаб уларни курилиш ишларида ишлата бошлашди.

Ойлик маошини кутган йигитлар, ой охирида Маратдан ойлик иш ҳақини беришни талаб қилганда, у йигитларни Жамшиддан сотиб олганлигини, бундан кейин фақат Маратнинг айтган ишларини қилишликларини айтади.

Шундан сўнг йигитлар бу ердан қочишга уринишганда уларни аёвсиз қалтаклаб мажбурий равишда оғир жисмоний меҳнатга жалб қилишди.

Бир неча бор уринишлардан сўнг йигитлар 2010 йил ноябрь ойида бу ердан ҳеч қандай ҳужжатсиз қочиб чиқишда ва ўн кунлик сарсон-саргардонликдан кейин Ўзбекистон Республикаси чегарасига ўтиб олишга муваффақ бўлишди...

Бугунги кунда фуқароларимизнинг ўз қонуний ҳуқуқларини яхши билмасликлари, баъзи нопок шахсларнинг алдовларига учиб ўзга юртларга ноқонуний чиқиб кетишлари оқибатида юқоридagi каби ҳолатларга қўллаб дуч келишимиз мумкин.

Статистик маълумотларга кўра, республикамизда 2008 йилда одам савдосидан ҳабр кўрганлар сони 2007 йилдагига нисбатан 3 баробарга ошган. Шунинг учун ҳам «Одам савдоси замонамизнинг глобал муаммоси» ҳисобланади.

XX асрда дунё ҳамжамияти одам савдосини миллий ва халқаро ҳавфсизликка қаратилган асосий таҳдид сирасига киритган эди. Бугунги кунга келиб, дунёда

одамларни турли мақсадлар йўлида зўрлаб ишлатишдек ноқонуний ҳодисалар сони ошиб бораётгани инсониятни ташвишга солмоқда.

Ҳеч кимга сир эмаски, дунё ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётган қўллаб ҳавф ва таҳдидлар қаторидан жой олган одам савдоси трансмилий кўлам касб этмоқда. Ушган жиноятчилар ва гаразли мақсадларни қўзловчи шахслар ўз манфаатлари йўлида ҳар қандай қабилликка қўл уришга тайёр бўлишади. Ушбу жиноят ҳавфлилик даражасига кўра ушган жиноятчилар наркотиклар ва қурол-яроғларнинг ноқонуний савдосидан кейин учинчи ўринни эгаллашди.

Ҳар йили миллионлаб кишилар бу жиноятнинг жабрланувчисига айланади. Уларнинг 90 фоиздан кўпрогини аёллар ва болалар ташкил этади.

Одам савдоси билан боғлиқ бўлган жиноятлар бу



бўлди, — дейди хўжалик раҳбари Тамара Умарова. — Кредит асосида маҳсус лойиҳага кўра йилига 34 тонна миқдорда помидор, бодринг ва бошқа сазавот экинлари етиштириш имкониятига эга иссиқхонани қуриб, ишга туширдик. Энг муҳими, тўрт кишини иш билан таъминладик.

— Паррандани етти ҳазинанинг бири дейишади, — фикрини баён этади «Агробанк»нинг Янгийўл туманидаги Гулбахор филиали мижози «Темир агро баҳара» деҳқон хўжалиги раҳбари Наталья Султонова. — Узоқ вақтдан буён паррандачиликни йўлга қўйишни режалаштириб юрган эдим. Бу борада банкдан олинган 50 миллион сўмлик кредит жуда асқотди. Ушбу маблағга беш мингта товуқ, икки ярим мингта жўжа, уларни боқиш учун қафаслар, ветеринария ускуналари ҳамда ем харид қилдик. Янги бешта ишчи ўринларини ташкил этган ҳолда ҳозирда кунига мингта тухум етказиб бормоқдамиз.

— Бизга ҳам «Агробанк»дан олинган 9 миллион сўмлик кредит жуда кўл келди, — дейди банкнинг яна бир мижози Куйичирчиқ туманидаги «Элдорхўжа нон» масъулияти чекланган жамияти раиси Комил Эргашев. — Ушбу маблағга нон маҳсулотлари тайёрлаш учун мўлжалланган хом ашё ва ускуналар сотиб олдик. Фаолиятимиз кенгайтириш ҳисобига тўртта янги иш ўринлари яратилди. Ҳозирда йилига 50 минг дона нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятидан унумли фойдаланяпмиз.

Мижозларнинг бундай миннатдорлик сўзларини кўплаб келтиришимиз мумкин. Энг муҳими, банк томонидан ажратилаётган манзилли кредитлар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш борасида ўзига хос ҳисса бўлмоқда.

Д. ИСРОИЛОВ тайёрлади

АЛДОВ ҚУРБОНИГА АЙЛАНИБ ҚОЛМАНГ!

гун дунёда тобора оммалашиб борар экан, бу барчани бирдек ташвишга солади. Мамлакатимиз миқёсида сўнгги уч йил ичида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга одам савдоси қурбонларига айланган 1000 дан ортиқ фуқаролардан аризалар келиб тушган. Ушбу мурожаатлар асосида 700 га яқин жиноят ишлари қўзғатилган. Айбланувчиларнинг ярмидан кўпини аёллар ташкил этади.

Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини оширишга, бу йўлда барча давлатлар томонидан яқин ҳамкорликнинг йўлга қўйилишига халқаро ҳамжамият алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси 2003 йил 30 августда БМТнинг «Трансмилий жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисидаги Конвенция»сига ҳамда 2001 йил 28 июнда «Одам савдоси, айнакча, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш бўйича Протокол»ига қўшилди ва бугунги кунга келиб юртимизда ушбу халқаро ҳужжатлардан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажариш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2008 йил 17 апрелда «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши кураш таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасида одам савдосига қарши курашишни амалга оширувчи давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш учун «Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссияси» тузилди.

Қабул қилинган қонун ва қарорлар, қўрилган чора-тадбирлар давлатимизнинг одам савдосидек мудҳиш жиноятга қарши курашиш борасида олиб бораётган сиёсатининг манфиқати давомидир.

Республикамизда одам савдосига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилди.

Бугун одам савдосининг олдини олиш учун фуқаролардан атрафдаги ҳодисаларга нисбатан ҳушёрликни ошириш, шубҳали ҳолатларни сезган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа тегишли ташкилотлар ходимларига бу ҳақда етарли маълумотларни етказиш талаб этилади.

Одам савдоси жиноятчилигининг кенг тарқалишига халқаро ноқонуний миграция жараёни ҳам сабаб

бўлмоқда. Халқаро миграция замонавий жамиятнинг ажралмас қисмидир. Муҳожирлар меҳнатидан фойдаланиш ривожланган давлатларнинг иқтисодиётида муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга, бугунги кунда ноқонуний миграция, одамларни бир давлатдан бошқа давлатга кўчиб юрилишлари даврида халқаро қонун нормаларини ва ўша давлат ички қонунларининг бузилиши ҳолатлари кўплаб учрамоқда.

Ўзбекистон Республикасида миграция масалалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 505-сонли қарори билан тартибга солинади. Ушбу қарорга асосан Ўзбекистон Республикасида меҳнат миграцияси масалалари фақатгина Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ва Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича Тошкент, Фаргона, Нукус, Бухоро, Қарши минтақавий бюролари орқали амалга оширилади.

Хусусан, юқорида зикр этилган қарор билан Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг асосий вазифалари этиб: Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элларда ва хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикасида ишга жойлаштириш учун иш ўринлари ажратиш ва рухсатномалар бериш; Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элларда ишга жойлаштириш учун иш ўринлари ажратиш ва рухсатномалар бериш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги ва хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Рес-

Алоқа

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР

Республикамизда қўшимча инфратузилма иншоотлари лойиҳаларини амалга ошириш жараёни ўз ижобий самарасини бермоқда. Замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани шакллантиришда инвестиция лойиҳалари кўл келмоқда. Бу жараёнда «Алоқалойиҳа» давлат унитар корхонаси ҳам фаол иштирок этмоқда.

Корхона маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телекоммуникация, телевидение, радиоалоқа ва маълумотлар узатиш йўналишлари, шунингдек, автоматик бошқариш мажмуалари, технологик ва муҳандислик курилмаларининг лойиҳа-қидирув ишларини бажариш билан ҳам яқиндан шуғулланмоқда.

Кейинги йилларда корхона томонидан 70 га яқин лойиҳа-смета ишлари амалга оширилди. Шундан ўнга яқини эксперт хулосалари, бешга яқини муаллифлик назоратидан иборатдир.

Бажарилган иш ҳажмининг 30 фоизи Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тасарруфидаги, 50 дан ортиғи мобил алоқа хизматларини кўрсатувчи, қолгани эса бошқа буюртмачи инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўлгани ҳолда яқинда «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси филиали буюртмаси асосида Тошкент-Олмалик-Қўқон рақамли радиореле линиясини кенгайтириш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди.

Фидойи алоқачилар Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллигига совға сифатида яна ўндан ортиқ лойиҳаларни амалга оширадilar.

Камола ФАЙЗУЛЛАЕВА

Тиббиёт

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

«Соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантириш — баркамол авлод пойдевори» деган шиор остида фаолият юритаётган тиббий муассасаларда кўпгина илғор тажрибалар юзага келмоқда. Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти жамоаси эса юқоридagi шиорни амалиётга татбиқ этиш дастури бўйича иш юритмоқда.

Ушбу ҳужжатда соғлом турмуш маданиятини шакллантириш, соғлом оилани қарор топтиришни тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилган.

«Оилада саломатлик» марафонини уюштириш ҳам ёшлар саломатлигини яхшилашга хизмат қилаётди. Шу сабабли репродуктив саломатликни сақлаш орқали соғлом оилани шакллантириш муҳим амалий аҳамият касб этмоқда.

Ёш оналарни касабга уюшмалари тизимида санаторийларда, ишлайдиган ёшларни корхоналар, ташкилотлар ва ўқув юртлари санаторий-профилакторийлари негизда, ёз мавсумида болалар оромгоҳларида соғломлаштиришга жиддий аҳамият бериш лозим. Бинобарин, соғлом турмуш тарзи инсон саломатлигига таъсир қилувчи омил эканлигини унутмаслик даркор.

Ақбар АЛИЕВ

публикасидаги меҳнат фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижий мамлакатларга жўнатиш учун ноздорларни танлаб олиши бўйича Идораларо комиссиянинг қарорларига мувофиқ рухсатномалар бериш;

юрдик шахсларга хорижий ишчи кучларини жалб этиш учун рухсатномалар бериш (рухсатномаларнинг амал қилиш мuddатини узайтириш) белгиланган бўлса, Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича минтақавий бюроларга Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда ишга жойлаштиришга қўллаш; Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элда ишга жойлаштириш имконияти ва шарт-шароитлари тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш;

хорижий иш бевурачлар томонидан Ўзбекистон Республикасидан ишчи кучини жалб қилишга ажратилган квоталарни олиш ва уларга фуқароларни ишга жойлаштиришни ташкил этиш;

чет элда ишга жўнатиш учун хорижий иш бевурачларнинг талабларига мувофиқ бўлган номзодларни танлаш; чиқиш ҳужжатларини расмийлаштиришда, шу жумладан виза ва чет элда ишга жойлаштириш расмийлаштириш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни олишда ёрдам бериш юклатилган.

Бундан хулоса шuki, оғоҳ бўлинг, Сизларни чет элларда иш билан таъминлаймиз деб, содда инсонларнинг ишончига кириб ўзларининг қабих ниятини амалга оширишга уринаётган нопок кимсалар ва айрим қўштирқоч ичидagi фирмаларнинг алдов қурбонига айланиб қолманг.

Қонуний меҳнат миграцияси масалалари бўйича ўзингизни қизиқтирган барча саволларга Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ва Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича минтақавий бюроларда ташкил этилган ишонч телефонларга қўнғироқ қилиб ёки интернетда жойлаштирилган сайтлар орқали атрафлича жаовб олишингиз мумкин.

Ишонч телефонлари рақами:

Тошкент	- 8(371)214-34-85
	- 8(371) 214-54-36
	- 8(371)214-89-25
Фаргона	- 8(373) 224-72-94
Қашқадарё	- 8(375)224-11-21
Бухоро	- 8(365)223-47-55
Нукус	- 8(361)780-02-31

Интернет сайтлари:

www.migration.uz
www.trb.uz

Тошкент минтақавий бюроси

Спорт янгиликлари

Жорий йилнинг 20-27 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида муайтай бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Шу муносабат билан ўтказилган матбуот анжуманида азим пойтахтимизга етмишдан ортиқ давлатлардан мингга яқин ҳаваскорлар келиши режалаштирилганлиги ҳақида маълумот берилди.

ТОШКЕНТДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЎТКАЗИЛАДИ

Маълумки, мустақиллик йилларида барча соҳаларда самарали ишлар олиб борилди. Айниқса, мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тез дунёга машҳур қила олмайди».

Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялашда спортни ривожлантириш ва оммалаштиришга қаратилаётган муҳим эътибор юксак самаралар бераётди, дейди Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал муайтай ассоциацияси раиси Шерзод Тошматов. Жаҳон муайтай спортининг ўзини оладиган бўлса, 2010 йилнинг декабрь ойида Таиландда муайтай бўйича ёшлар ва катталар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз ўн бир медални қўлга киритган эди. Ушбу чемпионат доирасида Халқаро ҳаваскор муайтай ассоциациясининг (IFMA) Бош ассамблеясида муайтай бўйича 2011 йилги жаҳон чемпионатининг Ўзбекистонда ўтказилиши маълум қилинди. Жорий йилнинг май ойида Австралияда бўлиб ўтган Арафур ўйинларида тўртта олтин медални қўлга киритган Ўзбеки-

стон терма жамоаси «Муайтай бўйича Арафур ўйинларининг энг яхши жамоаси» деб эътироф этилди. Шунингдек, Эронда ташкил этилган Осиё очик чемпионатида юртимиз спортчилари битта кумуш ва иккита бронза медалини қўлга киритишди. Бу албатта юртимизда спорт каби тез дунёга машҳур қила олишнинг ортиб бораётгани ва мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаётганидан далолатдир.

Дарҳақиқат, юртимиз муайтай бўйича нуфузли мусобақаларни ташкил этишда катта таърибага эга. Ўтган йили Осиё чемпионати муваффақиятли уюштирилди. Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал муайтай ассоциацияси Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яққакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази сингари ташкилотлар билан ҳамкорликда бу йилги жаҳон чемпионатини ҳам юқори савияда ўтказиш учун пухта ҳозирлик кўрмоқда.

Анжуманда Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал муайтай ассоциацияси раҳбарлари, мурабийлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди ҳамда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Садоқат АСЛАНОВА



ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — ИККИНЧИ

Жиззах олимпия заҳиралари коллежида ёшлар ўртасида мамлакатимиз Истиқлолнинг 20 йиллигига бағишлаб таэквондо бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан кел-

ган 200 нафар 7-16 ёшли ўғил-қизлар ўртасида кечган мусобақалар «Ўзбекистон ёшлари — гиёҳвандлик ва терроризмга қарши!» шиори доирасида ташкил этилди.

Қизиқarli, кескин курашлар остида кечган беллашувлар якунида умумжамоа ҳисобида бизнинг таэквондочилар шохсупанинг энг юқори поғонасини забт этишган бўлса, фахрли иккинчи, учинчи ўринлар Тошкент шаҳри ҳамда Фарғона вилояти вакилларига насиб этди. Ушбу беллашувларга анча пухта тайёргарлик кўрган Қашқадарё вилояти спортчилари тўртинчи ўрин билан қифояланишди.

КУБОК БЕЛЛАШУВЛАРИ

Футбол бўйича Ўзбекистон Кубоги чорак финалининг иккита ҳамда ярим финалининг битта учрашуви қутилмаган натижаларни тўхфа этди.

Қаршида Ўзбекистон Кубоги ярим финалининг «Насаф» — «Бунёдкор» жамоалари ўртасидаги жавоб учрашуви ниҳоятда қизиқarli ўтди. Чунки биринчи ўйинда амалдаги чемпион ва биллур кубок соҳиби «Бунёдкор» 1:0 ҳисобида муваффақият қозongan эди. Шу боис ҳам ҳар икки жамоа ҳужумларга бой, комбинацион ўйин намойиш этди. Гўё учрашув дуран билан якунлангандек эди. Бироқ ҳакам томонидан қўшиб берилган қўшимча вақтнинг 4-дақиқасида тошкентлик ҳимоячилар қўполлик ишлатиб жарима майдони ичида мезбонлар ҳужумини қайтаришди. Ҳакам

ҳеч иккиланмай 11 метрлик жарима тўпи белгилади. «Насаф» ҳужумчиси Артур Геворгян пенальтидан Нестеров дарвозасини аниқ нишонга олди — 1:0. Шундан кейин икки ўйин натижасига қўра голиби аниқлаш мақсадида пенальтилар серияси бошланди ва унда майдон эгалари 4:3 ҳисобида зафар қучишди. Ўз тарихида илк марта Ўзбекистон Кубоги финалига йўлланма олган «Насаф» жамоаси энди «Пахтакор» — «Шўртан» жамоалари ўртасида ўтадиган Ўзбекистон Кубоги ярим финалининг голиби билан куч синашади.

Ақбар Йўлдошев

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳрида йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун очик тендерларни ўтказиш Комиссияси аъзолари ва тендерда қатнашишни хоҳловчилар ДИҚҚАТИГА

2011 йил 29 сентябрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун ўтказиладиган очик тендерга қўшимча равишда кўрсатилган йўналишлар кўйилади:

№	Йўналиш рақами	Йўналиш номи	Харакат таркиби тури
1.	59А	«Сергели мавзеси 12-даҳа АШБ — Карвон бозори бекати»	Автобус
2.	66А	«Сергели кўрғони АШБ — М.Юсуф кўчаси АШБ»	Автобус
3.	74А	«Сергели 7-мавзеси АШБ — Далагузар майдони»	Автобус
4.	75А	«Қирариқ маҳалласи — Оқтепа майдони АШБ»	Автобус
5.	105А	«Дўстлик 2-мавзеси АШБ — Карвон бозори бекати»	Автобус
6.	117А	«Сергели мавзеси 12-даҳа АШБ — Янгиобод мавзеси АШБ»	Автобус
7.	129М	«Авиасозлар АШБ — Чорсу савдо маркази АШБ»	Микроавтобус
8.	146А	«Чорсу савдо маркази АШБ — Чинни бозори АШБ»	Автобус

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари харакатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.
Маълумот учун телефон рақами: 233-89-58

Республика ихтисослаштирилган Педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази жамоаси бош илмий ходим Шўҳрат Боситович Турсуновга опаси
Лола Боситовна ТУРСУНОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«YO'LOVCHITRANSSERVIS»
ОЛИМ ИЛ ЧИГАЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГ!

ҚАЛБАКИЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!
ФАҚАТ МАХСУС ШОХОБЧАЛАРДАН СОТИБ ОЛИНГ!

Тошкент, 100125, Темуралиев кўчаси, 3"А"; тел.: 260-14-05, 260-14-06, 260-05-92; факс: 260-21-78; e-mail: yts@inbox.ru

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 2-бизнес мактаби томонидан 2001 йил 10 июлда Байболов Саен Сарсенбаевич номига берилган рўйхат рақами 1197 бўлган, КНТ-210272 сонли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги 140-ўрта мактаб томонидан 1998 йилда Байболов Саен Сарсенбаевич номига берилган О'Р-Е №053821 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ОЗ=ОЗ ЎРГАНИШ
ДОМО БЎЛУҶ

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ
ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Машҳур олимлардан Абу Мансур ас-Саолибий айтиди: «Мулоимлик дарахтини эккан киши саломатлик мевасини теради. Қийналишдан кўрқиб ўрганишни давом эттирмаган киши илми эгаллолмайди. Тўғри, ҳақ гапирган киши ҳаммининг ишончини қозонади. Душман билан яқинлашган кишининг дўстлари қочадилар. Ишнинг оқибатини ўйлаган киши фалокатлардан омон қолади».

Байт:
Ақлдан гамгинлик, шодлик, ўқтамлик,
Ақлдан борлиғу йўқлиғу камлик.

Абдурахмон Жомий айтиди: «Бир чумоли ўзидан ўн марта катта бир чигирткани тишлаб судраб кетаётган эди. Буни кўрган одамлар таажжубланиб бир-бирга:

— Қаранг, бу кичкина, нотавон чумоли ўзидан катта ва оғир чигирткани тишлаб судраб олиб кетаётди, — дедилар.

Буларнинг сўзларини эшитган чумоли қулиб, уларга шундай деди:

— Жусса кичиклиги ва кучсизлиги — ҳимматли, гайрат ва матонатли мардлар олдида аҳамиятга эга эмасдир».

Донишмандлардан Абулаббос айтиди: «Очликдан бегоҳат бўлмаганимча асло овқатланмадим. Шунинг учун менга табибнинг кераги бўлмади. Даво истаб табиб ёнига бормадим».

Байт:
Қорнинг очмасдан туриб,
Овқатга қўл урмагил.
Кўп зарар келтиргуси
Ортиқ есанг, ўйлагил!

Бир куни икки киши Анушервон саройи ёнига келди ва улардан бири қичқирди:

— Ёмонлик қилма, ёмонлик қилишни сира ҳам ўйлама, агар ёмонлик қилсанг, бир кун, албатта, жазосини тортасан, — деди.

Иккинчи одам ҳам қичқирди:

— Яхшилик қил, доимо яхшилик қилиш ҳаракатида бўл, бир куни муқофотга эришасан, — деди.

Анушервон биринчи айтган кишига минг танга, иккинчисига икки минг танга беришни буюрди. Анушервоннинг вазирлари ундан:

— Ҳар икки одамнинг айтганлари бир хил маънони ифода этади, лекин сиз биринчи кишига оз, иккинчисига кўп пул инъом қилдингиз, бунинг сабаби нима? — деб сўрадилар.

Анушервон айтди:

— Биринчи киши насиҳатини «ёмон» деган сўз билан, иккинчиси «яхши» сўзи билан бошлади. Ёмондан қанча нафратлансак, яхшини шунча хурмат қиламиз. Дўстларнинг яхшилиги ҳамма яхшиликлардан юқори ўрин олади.

Икки найнинг сурати бирдек ва лек, Биридан қанд чиқса, биридан бўриё.

Зайд Роҳиб исмли улғў киши шундай деган: «Лашкарлар орасида эдим. Сабза билан безанган бир экинзорга бориб қолдим. Бошқа лашкарлар ўз отларини экинзорга қўйиб юбордилар. Мен эса от жоловини тортидим. Кекса деҳқон олдимга келиб: «Сен нега отингни қўймаясан?», деб сўради. Мен: «Кўнглинг оғримасин, деб кўрқаяман», дедим. Чол: «Худо сендан ёмонликни узок қилсин», деди. «Нега?!» деб сўрадим. «Агар сенинг баракатинг бўлмаганда булар ҳалок бўлган бўлишарди!» деди чол».

(Давоми бор)

УЗГІДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 23 август кунини ҳаво ўзариб туради, ёлғизчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 20-22, кундузи 37-39 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳрида 23 август кунини ҳаво ўзариб туради, ёлғизчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 20-22, кундузи 37-39 даража иссиқ бўлади.

Республика ҳудуди бўйича ҳаво вақти-вақти билан бироз ўзариб туради, ёлғизчилик бўлмайди, айрим ҳудудларда қисқа муддатли ёлғизчилик эҳтимоли бор. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда, шимолдан гарбага томон секундида 15-20 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 19-24, кундузи 36-41 даража иссиқ бўлади.

Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 23 августда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш таъмиқдори паст бўлади.

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2966 нускада босилади.
Котир бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ва сақланганлиги.
Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.